БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 85 (4184).
14 АПРЕЛЬ, 1980 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

**«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА**

⊙ «Биринчи Майни қаршилаб»— газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

⊙ Норак ГЭСи қурилишида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

⊙ Учишни бошқариш маркази хабар беради: Леонид Попов ва Валерий Рюминнинг Ер атрофидаги космик фазода ишлаётганларига беш кун бўлди. Экипаж илмий-тадқиқот комплекси ичидаги техник ҳужжатларни ўрганмоқда, станция хоналарини тартибга келтирмоқда, медицинага доир тадқиқотлар олиб бормоқда.

## Коммунистик шанбаликка тайёргарлик кўриш шаҳар штабининг матбуот маркази хабар беради

Катта режа москваликларнинг доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига 19 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини шаҳар трамвай-троллейбус бошқармасининг «Красновосточное» депоси коллективи биринчилар қатори қўллаб-қувватлаган эди. Ҳозир улар меҳнат байрамига қизғин тараддуд кўришяпти.

— Депомиз меҳнат аҳли, — дейди депо директори А. Никитин, — «қизил шанбалик»ка бир тан-бир жон бўлиб чиқади. Шу куни 4 та трамвай, 1 та троллейбус ремонтдан чиқарилади, 8 та троллейбус, 4 та трамвай бежирим пардоз қилинади. Тайёрлов цехининг ишчилари 8 та электр двигатели, 4 та тормоз системаси, 15 та ўриндиқ, 4 та редуктор, 5 та кардан вали ишлаб чиқарадилар.

Корхона электр транспортчилари ўтган йилдаги шанбаликдагига нисбатан 2 минг сўмликдан зиёдроқ иш ҳажмини бажаришга аҳд қилишган.

⊙ Кўтаринки руҳда «Халқлар дўстлиги» орденли Беруний номидаги Тошкент политехника институтида меҳнат байрамига бағишлаб катта ишлар олиб борилмоқда.

Бутуниттифоқ шанбалигида институтнинг 20 мингга яқин студенти, профессор-ўқитувчилари ва инженер-техник ходимлари иштирок этадилар. Институт студентлари «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида, Олмалиқ химия заводи, «Узплодоовощвинпром» корхоналарида, «Ташсельмаш», трактор заводлари ва бошқа саноат корхоналарида меҳнат қиладилар.

Ҳозирги кунда институт студентлари шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигида фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, биргина химия-технология факультетининг 600 дан ортиқ студенти «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспектида дарахт кўчатлари ўтказиш, мавжуд дарахтларни парвариш қилиш, кўчани тозалаш ишларини бажармоқда.

Институт партия, комсомол ва касаба союз комитетлари шанбаликни юксак савияда ўтказиш юзасидан тадбирларни белгилаб олишди.

# КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни — 1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлиги!

5. Владимир Ильич Лениннинг номи ва иши абадий яшайверсин!

6. Совет Иттифоқи гражданлари! Ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашишни ўрганингиз!

7. Коммунизм бинокори, бутун дунёда тинчлик учун изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

8. Яшасин Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

9. Яшасин шонли колхозчи-деҳқонлар!

10. Яшасин совет халқ зиёлилари!

11. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи!

12. Яшасин Совет Иттифоқи барча миллат ва элатларининг қардошларча дўстлиги ҳамда метиндек бирлиги!

13. Яшасин дунёда биринчи социалистик умумхалқ давлатининг Асосий Қонуни — СССР Коституцияси! Яшасин социалистик демократия!

14. Яшасин халқ депутатлари Советлари!

Меҳнаткашларнинг давлат ва жамият ишларини идора қилишдаги иштироки кенгаяверсин!

15. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини бажариш учун курашингиз!

Ривожланган социализм имкониятларини тўлиқроқ юзага чиқарингиз!

16. Коммунистлар! Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш йўлидаги умумхалқ курашининг пешқадами бўлингиз!

17. Яшасин коммунизм мактаби, жамиятимизнинг мўътабар кучи — совет касаба союзлари!

18. Йигит ва қизлар! Илм-фанни, маданиятни, профессионал маҳоратни сабот билан ўрганингиз! Коммунизм учун актив курашчилар бўлингиз!

Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви — Ленин комсомоли!

19. Яшасин коммунизмнинг актив бинокорлари — совет хотин-қизлари! Оналарга шон-шарафлар!

Бутун Ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!

20. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштирингиз, совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг буюк ғалабаларини сергак туриб пухта ҳимоя қилингиз!

Яшасин шавкатли СССР Куролли Кучлари!

21. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги мислсиз жасорати асрлар бўйи яшайверсин!

Ватанимиз шон-шавкати, озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлиги, самарадорлиги ва сифатини оширингиз!

Бутун кучни ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллашга сарфлайлик!

23. Коммунистик қурилишнинг олдинги сафида бораётган Қизил байроқли коллективларга, беш йиллик зарбдорларига шон-шарафлар!

24. Саноат ходимлари! Ватанимизнинг индустриал қудратини мустаҳкамлангиз!

Ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштирингиз ва улардан самарали фойдаланингиз!

Янги техника, прогрессив технология, илғор тажрибани жорий этингиз!

25. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантирингиз!

Байкал-Амур магистрали юксак суръатлар билан қурилсин!

26. Оғир саноат ходимлари! Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширингиз!

Халқ хўжалигининг ёқилғи, энергия, металл, хом ашёга эҳтиёжини тўлиқроқ қондирингиз!

27. Совет машинасозлари! Серунум, тежамли ва пишиқ-пухта машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини яратингиз!

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ҳар томонлама кўмаклашингиз!

28. Химия саноати ходимлари! Юксак самарали технологияни жорий этингиз, халқ хўжалигининг химиявий маҳсулот ва материалларга эҳтиёжини тўлиқроқ таъминлангиз!

29. Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни оширингиз, турларини кўпайтирингиз, сифатини яхшилангиз!

30. Қурувчилар ва монтажчилар! Ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ўз вақтида ишга туширингиз, капитал маблағ самарадорлигини оширингиз!

Сифатли, тежамли, замонавий техника асосида қурингиз!

31. Транспорт ва алоқа ходимлари! Халқ хўжалигига хизмат қилишни яхшилангиз, совет кишиларининг эҳтиёжларини кўпроқ қондирингиз!

32. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ва узлуксиз ривожлантириш учун курашингиз! Уни индустриялаш ва химиялаш, ерларни мелиорациялаш суръатларини жадаллаштирингиз, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантирингиз!

РСФСР Ноқоратупроқ зонасини обод қилишнинг комплекс программасини активроқ амалга оширингиз!

33. Қишлоқ хўжалиги ходимлари! Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширингиз!

Ер, техника, ўғитдан яхшироқ фойдаланингиз!

34. Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари! Дон, пахта, қанд лавлаги, картошка ва сабзавот етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтирингиз!

Кўкламги дала ишларини намунали ўтказайлик!

Мўл ҳосил етиштириб, Ватанни қувонтирайлик!

35. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари! Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлангиз!

Гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтирингиз!

36. Қишлоқ хўжалиги, тайёрлов, транспорт, қайта ишлаш ва савдо корхоналарининг ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нобуд бўлишига йўл қўймангиз!

Етиштирилган ҳамма нарсалардан халқ фаровонлиги йўлида фойдаланилиши лозим!

37. Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва уй-жой — коммунал хўжалиги ходимлари! Иш сифатини, совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини оширингиз!

38. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Интизомни мустаҳкамлангиз, иш вақтининг ҳар дақиқасини тежангиз!

Металл, хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланингиз!

39. Совет Иттифоқи гражданлари! Социалистик мулкни эҳтиёт қилиб асрангиз ва кўпайтирингиз!

Мамлакат бойликларидан оқилона, омилкорлик билан фойдаланингиз, она-табиатни муҳофаза қилингиз!

40. Халқ хўжалиги мутахассислари! Ихтирочилар ва рационализаторлар! Техникани, технологияни, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштирингиз!

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашингиз!

41. Совет олимлари! Тадқиқотларнинг самарадорлигини оширингиз, фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамлангиз!

Совет фанига шон-шарафлар!

42. Идеология фронтининг ходимлари! Тарбия, ахборот, пропаганда ишининг илмий савияси ва сифатини оширингиз!

Ҳар бир совет кишиси коммунистик ғоявийлик, ҳаётда актив позицияда туриш руҳида тарбиялансин!

43. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз! Совет санъатининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтариб борингиз!

44. Халқ маорифи ходимлари! Таълим сифатини оширингиз! Ёш авлодни коммунизм руҳида, ўқиш ва меҳнатга онгли муносабат руҳида тарбиялангиз!

45. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ходимлари! Мутахассисларнинг ғоявий чиниқишини ва профессионал тайёргарлигини яхшилангиз, фанни ривожлантирингиз, коммунистик қурилишга кўпроқ ҳисса қўшингиз!

46. Революция, уруш ва меҳнат ветеранлари! Ёшларнинг мураббийлари! Ёш авлодни Коммунистик партия билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда актив қатнашингиз!

47. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юртларининг талабалари! Совет Ватанини сидқидилдан севингиз! Илмларни ва меҳнат кўникмаларини қунт билан ўрганингиз!

Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга ҳозирлик кўрингиз!

48. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Медицина хизматининг сифати ва маданиятини оширингиз! Фан ютуқлари ва тажрибадан яхшироқ фойдаланингиз!

49. Физкультурачилар ва спортчилар! Совет спортининг шон-шуҳратини оширингиз, Москва Олимпиада-80 га сабот билан тайёрланингиз!

Жисмоний тарбия совет кишиларининг кундалик турмушига сингдирилсин!

50. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми асосида мустаҳкамланаверсин!

51. Яшасин халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли —пролетар интернационализми!

52. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи! Жаҳон социализм системаси ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қардош партиялари ва халқларининг бирлиги ҳамда жипслиги!

53. Қаҳрамон Вьетнам халқига қардошлик саломи!

54. Мард Лаос халқига қардошлик саломи!

55. Мустақил, озод, халқ Кампучиясини қураётган кампучия халқига қардошлик саломи!

56. Апрель революциясининг ғалабаларини мардона ҳимоя қилаётган афғон халқига қардошлик саломи!

57. Империалистларнинг аралашувига қарши қатъият билан ҳаракат қилаётган Эрон халқига оташин салом!

58. Капиталистик мамлакатларда монополияларнинг эксплуатацияси ва зулмига қарши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун фидокор курашчи бўлган ишчилар синфига қардошлик саломи!

59. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлишга эришган ҳамда миллий мустақиллик ва социал тараққиётни мустаҳкамлаш учун мардона курашаётган халқларга қардошлик саломи!

60. Империализмга қарши, қитъани мустамлакачилик ва ирқчиликдан батамом халос қилиш учун, озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашаётган Африка халқларига оташин салом!

61. Мустақилликни курашиб қўлга киритган Зимбабве халқига оташин салом!

62. Реакцияга ва фашизмга қарши, ўз мамлакатларини демократик йўлдан ривожлантириш учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига оташин салом!

63. Қаҳрамон Никарагуа халқига оташин салом!

64. Фашистлар реакциясига қарши фидокорона курашаётган Чили ишчилар синфига, барча меҳнаткашлари ва демократларига қардошлик саломи!

65. Халқларнинг озодлиги, демократия ва социализм учун мард курашчилар —қамоқларда ва фашизм зиндонларида азоб чекиб ётган кишиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқинларига озодлик!

66. Замонамизнинг уч асосий революцион кучи —жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг қудратли енгилмас иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

67. Исроил агрессиясига ва империализм зўравонлигига қарши курашаётган араб халқларига оташин салом!

Совет — араб дўстлиги мустаҳкамланаверсин!

68. Европа мамлакатларининг халқлари! Ғарбий Европада Американинг янги ракета-ядро қуроли жойлаштирилишига қарши, тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик учун курашингиз!

69. Улуғ ҳинд халқига оташин салом! Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

70. Осиё мамлакатларининг халқлари! Тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатлари учун, Осиёда хавфсизликни таъминлаш учун курашингиз!

71. Жаҳон халқлари! Янги жаҳон уруши хавфига қарши, қурол-яроғларни қисқартириш учун, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш учун курашни кучайтирингиз!

Империализм, гегемонизм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига зарба берингиз!

72. Жаҳон халқлари! Ядро қуролини ва оммавий қирғин қуролининг бошқа ҳамма турларини тақиқлаш учун изчиллик билан ҳаракат қилингиз!

Қуролланиш пойгасининг янги даврасига қатъиян «йўқ» деб жавоб берингиз!

73. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!

74. Яшасин Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

75. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик Партия раҳбарлигида — коммунизм ғалабаси сари, олға!

*Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети*

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Фан, совет архитектураси ва шаҳар қурилишини ривожлантиришдаги хизматлари, халқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялаш соҳасида кўп йил самарали ишлаганликлари учун ҳамда Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан институт кафедра мудири Валентин Евгеньевич **Архангельский**га Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор, доцент Вениамин Львович **Дмитриев**га Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог, кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Абдураҳмон Ортиқович **Ортиқов**га, кафедра мудири, техника фанлари кандидати, профессор Борис Моисеевич **Гурович**га, техника фанлари доктори профессор Ипполит Петрович **Левшя**га, кон-металлургия факультетининг декани, техника фанлари доктори, профессор Ваҳоб **Раҳимов**га, кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор Фуат Хусаинович **Тожнев**га, кафедра мудири, тарих фанлари доктори профессор Қўчқор **Ҳасанов**га, кафедра мудири, техника фанлари доктори профессор Нодирбек Рустамбекович **Юсупбеков**га Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби; кафедра мудири, химия фанлари доктори Аҳмад Баратович **Қўчқоров**га, физика-математика фанлари кандидати, доцент Василий Васильевич **Христофоров**га Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер; кутубхона директори Лидия Федоровна **Мансурова**га Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими; умумий техника факультетининг декани, техника фанлари кандидати, доцент Наримон Саидович **Абдуллахонов**га, институт проректори, техника фанлари кандидати, доцент Ўткир Аҳмедович **Икромов**га, ижтимоий фанлар факультетининг декани, тарих фанлари кандидати, доцент Авлиёқул Қаҳҳорович **Қаҳҳоров**га, техника фанлари кандидати, доцент Герш Борухович **Фикс-Марголин**га Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими; инженерлик-қурилиш факультетининг декани Фатхулла **Назруллаев**га Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, кафедра мудири Матвей Львович **Аронов**га Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган энергетик фахрий унвонлари берилди.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтининг бир группа ходимлари кўп йил самарали ишлаганликлари учун ва институтнинг 50 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.



Коммунистик меҳнат зарбдори Валентина Полишчук ўн йилдан буён Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз ремонт заводининг электр аппаратлари цеҳида баракали меҳнат қилиб келмоқда. Токарлик, фрезерлик ва пармаловчилик касбларини пухта эгаллаган бу аёл шу кунларда 1982 йил ҳисобига меҳнат қиляпти.

М. Нуриддинов фотоси.

## ШАҲРИМИЗ ОБОД ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

### *Маҳаллада шанбалик*

Бешқайрағоч массивидаги Акмал Икромов номли маҳалла комитети ўзининг йиғилишида шаҳримизда ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигида актив иштирок этишга аҳд қилиб, ободонлаштириш билан боғлиқ бўлган бир қанча тадбирларни ишлаб чиқди. Маҳалланинг ҳар бир кўчасига тўрт кишидан иборат ободонлаштириш бригадалари бириктирилди. Ўтган шанба куни бўлиб ўтган ҳашарда ана шу бригадалар билан бирга 200 дан зиёд маҳалла аҳолиси иштирок этишиб, ирригация шаҳобчаларини тозалашди, дарахтлар тагини юмшатишди.

Умумхалқ ҳашарида маҳалла отахонларидан А. Нурмуҳамедов, Ғ. Насриддинов, А. Содиқов, У. Ғофуров, Р. Неъматуллаев ва бошқалар ибрат кўрсатишди.

Л. ҲАМИДОВ.

### *Жонбозлик кўрсатишмоқда*

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коллективи «Қизил шанбалик»ни ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Гидромелиорация, механизация факультети студентлари 6, 7-ётоқхона территориясини кўкаламзорлаштиришда актив иштирок этишиб, 1200 туп дарахт ўтқазишди ва ирригация шаҳобчаларини чиқиндилардан тозалашди. Бу ишларни намунали бажаришда Х. Каримов, Б. Саидов, К. Рўзиматов, Ш. Умурзоқова, И. Ўрунова, А. Мамадиев каби аълочи студентлар бошқаларга ибрат бўлишди.

Р. ТЎХТАЕВ.

